



СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СЕЛЕКЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 май куни спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда спорт инфратузилмаси изчил ривожлантирилиб, ёшларнинг қизиқишлари қўллаб-қувватланмоқда. Сўнгги беш йилда 118 та янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди ва 110 таси реконструкция қилинди. Барча маҳаллалардаги ёшларни спортга жалб этиш бўйича илк бор “беш босқичли” мусобақалар бошланди. Апрель-май ойларида ўтган биринчи ва иккинчи босқичларда 3 миллиондан зиёд ёшлар иштирок этди.

Лекин қобилиятли йигит-қизларни саралаб, профессионал спортчиларга айлантиришга эътибор йўқ. Бунда бошланғич тизим бўлган спорт мактаблари билан Олимпия захиралари коллежлари ва Олий спорт маҳорати мактаблари ўртасида узвийлик йўлга қўйилмаган. Мисол учун, 190 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бор-йўғи 10 та олимпия спорт тури ўргатилади. Спорт федерациялари Олимпия захиралари коллежлари билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Шу боис, йиғилишда спортчиларни тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Унга қўра, энди ҳар бир маҳаллада апрель-июнь ва сентябрь-декабрь ойларида мусобақалар ташкил этилиб, яхши натижа кўрсатган ёшлар электрон рўйхатга кириштилади ҳамда ҳудуддаги спорт мактабида малакали мураббийлар билан бепул шуғул-

ланиш имконига эга бўлади. Улар жисмоний тайёргарлик даражаси ва разрядига қараб, кейинги босқичга ўтказилади. Спорт мактаблари муайян олимпия спорт турлари бўйича базага айлантирилади. Мураббийларнинг иш ҳақи 35 фоизга оширилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни жорий этиб, яхши натижа кўрсатган маҳаллаларни рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди. Илп якунигача 508 та маҳаллада кўп функцияли спорт майдончалари қурилиши қайд этилди.

Бугунги кунда Олимпия захиралари коллежларига 14 ёшдан катта ўсмирлар қабул қилинмоқда. Оқибатда ёшларни Олимпия ўйинларига тайёрлаш кеч бошланганди.

Шу боис, бу борада ривожланган давлатлардаги илғор тажрибалар ўрганилди. Энди у асосида спортчиларни профессионал тайёрлаш тизими ислор қилинади. Яъни, бу соҳадаги коллежлар Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази сифатида ташкил этилади. Бу марказлар 5-9-синфлар учун Олимпия мактаби, 10-11-синфлар ҳамда 1-2-курслар учун Олимпия ва паралимпия коллежи бўлиб хизмат қилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида илғор тренер ва ҳорижий экспертлардан иборат Мураббийлар кенгаши тузилиб, мусобақаларда энг юқори натижага эришган ёшларни коллежларга саралаб олади.

Коллеж битирувчилари эса келгусида Олий спорт маҳорати институтига қабул қилинади. Шу тариқа, профессионал спортчилар тайёрлашнинг узлуқсиз тизими яратилади.

Спортни ривожлантириш вазирлигида 20 та истиқболли олимпия турини белгилаб, улар бўйича ҳудудий “таянч база”ларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги илмий салоҳият ҳам талаб даражасида эмаслиги айтилди. Маҳаллий олимплар томонидан бирорта спорт тури бўйича на методика, на дастур ишлаб чиқилган. Бугунги кунда спортчиларни тайёрлаш 30 йил олдинги дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Спорт диетологияси, фармакологияси, психологияси, спорт муҳандислиги, кардио-машғулотлар бўйича мутахассислар тайёрланмаяпти.

Шу боис, олимпия спорт турлари бўйича спортчиларни жисмоний ва руҳий тайёрлаш, соғлом овқатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб Жисмоний тарбия ва спорт университетида спорт диетологияси, муҳандислиги ва кардио-машғулотлар, Тиббиёт академиясида спорт медицинаси ва фармакологияси бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш топшириги берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎЗА

ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР — САЙЛОВЧИЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ, ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўтган ҳафта мамлакатимиз парламенти ҳаётида конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг барқарор ривожланиши ва мустаҳкамланиши, янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессанс асосларини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ва шиддатли демократик ислоҳотлар учун муҳим ҳодисаларга бой бўлди. Хусусан, 16 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг энг йирик фракциялари — ЎзЛиДеП ва “Миллий тикланиш” демократик партиясининг алоҳида, 17 май куни мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ва ушбу масалани Олий Мажлис палаталари кенгашлари муҳокамасига кириштишга бағишланган қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.

Шу билан боғлиқ ҳолда, 20 май куни Сенат ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Бу йиғилишда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий

чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди. Мазкур Конституциявий комиссия таркибига барча ҳудудлардан депутатлар, сенаторлар,

жамиятнинг турли қатламлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, етук ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослар ҳамда бошқа экспертлар (jami 46 киши) киритилди.

▶ Давоми 3-бетда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



МУВАФФАҚИЯТЛИ ЭМЛАШ ТАДБИРЛАРИ

юртдошларимизда хавотирга ўрин қолдирмайди ёҳуд маймун чечаги қандай касаллик?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қўра, маймун чечаги касаллиги ҳозиргача 14 давлатда қайд этилган. Хусусан, инфекцияни юқтирганлар сони 90 нафарга яқинлашгани айтилган. Қолаверса, қарийб 30 киши касалликка чалинганлиқда гумон қилинмоқда. Бироқ шу кўнчада ўлим ҳолати рўйхатга олинмаган. Ҳўш, маймун чечаги қандай касаллик? Унинг профилактикаси қандай? Юртимизга кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли қанчалик яқин?

— Бу хасталик кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. У илк бор бундан 52 йил ав-

вал Конго Демократик Республикасида аниқланган, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари Нурмат Отабеков. — Шу боис, касалликнинг алоҳида ҳолатлари Марказий ва Ғарбий Африка мамлакатларида кузатишган. Таъкидланишича, маймун чечаги деярли барча ҳолатда хайвондан одамга юқади. Асосан, эндемик ҳудудларга сафар қилган ва жониворлар билан мулоқотда бўлган кишиларда тасдиқланиши мумкин.

▶ Давоми 5-бетда

ТАЪЛИМ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТИ 4 ЁШГА ТЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ҚИСҚА, ЛЕКИН МАЗМУНЛИ ТАРИХИДАН ПАРЧА...



2018 йилгача журналистика соҳасига ихтисослаштирилган олийгоҳ Марказий Осиёда ҳам, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ҳам бўлмаган. Қўлаб жойларда журналистика йўналиши тарқоқ ҳолда университет ва институтлар таркибига фаолият юритиб келарди. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам кўп йиллар давомида мана шундай бўлиб келган. 1949 йилда ўша пайтдаги САГУ (Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультети қошида журналистика бўлими ташкил этилган эди. 1967 йилдан бошлаб, мазкур олий таълим муассасасидан журналистика факультети ажралиб чиқди. 1995 йилда Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида журналистика факультети ташкил этилди. 1999 йилда эса Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди ҳам журналистика факультети пайдо бўлди. Агар ўша даврддаги Тошкент давлат университетида 16 та факультет фаолият юритган бўлса, журналистика факультети барча кўрсаткичлар бўйича энг охириги ўринларда турарди.

▶ Давоми 2-бетда

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

БУҒДОЙНИНГ СЕРҲОСИЛ НАВИ

Бугун Ер юзи аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган талабни қондириш учун бошқоқли донли экинлар, жумладан, юмшоқ буғдой ҳосилдорлигини ва дон сифатини ошириш борасида кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, ўтган йили дунё бўйича жами 724 миллион тонна дон етиштирилган бўлса, шундан 6,6 миллион тоннадан ортиғи юртимиз ҳиссасига тўғри келади.

Президентимиз жорий йил 25 апрель куни Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида олимлар олдида буғдойдан 100 центнердан юқори ҳосил берадиган навларни яратиш, кластер ва фермерлар билан ҳамкорликда ишлаш вазифаларини қўйгани ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида кейинги йилларда чўқур ислоҳотлар ўтказилиши натижасида дон етиштириш ҳажмини кўпайтириш, бошқоқли донли экинлар ҳосилдорлигини ошириш борасидаги айрим масалалар ўз ечимини топди.

▶ Давоми 5-бетда



МУНОСАБАТ

ГЕОЛОГИЯ РИВОЖИ — ИСТИҚБОЛЛИ КОНЛАРНИ АНИҚЛАШТИРИШГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Шу йил 19 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев геология соҳасини янада ривожлантириш, фойдали маъданлар ва ер ости суви захираларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишди. Тақдимот жараёнида қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз геология соҳасига илм ва илғор технологиялар изчил татбиқ этилиши туфайли қидирув ишлари қўламли кенгайди. Ер ости бойлиқларининг янги захиралари аниқланди.



▶ Давоми 2-бетда



ТАЪЛИМ



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети ректори, профессор

66

Нихоят 2016 йилдан бошлаб, воқеалар ривож
180 даража ўзгарди. Ўша йили Президент сайловларида
мутлақ ғалаба қозонган Шавкат Мирзиёевнинг
сайловолди кампанияси даврида оммавий ахборот
воситаларига берилган эркинлик мисоли тоза ҳаводек
ўпкамизни тўлдирди, ҳаммамиз учун катта мотивация
берди ва миллий журналистикамизни муболагасиз
мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Бошланиши 1-бетда

Мен 1991 йилда Журфака талабалikka қабул қилиндим. Ҳозиргача эсимда, катта, баҳайбат 60-70 гектарли Ўзбекистон Миллий университети ҳудудидаги биноларнинг бириди энг куйи каватда биз учун, бор-йўғи, 6-7 та аудитория бор эди. Яна қўшимча 3-4 та “поточный” маъруза хоналари бўларди. Аксига олиб, олти қават учун мўлжалланган эркаклар ҳожатхонаси бизнинг қаватда жойлашганди. Ва у деярли тозаланмас, ҳожатхонадан чиқаётган “ифор” қаватдаги аудиторияларда ўтирган талабаларга нуқуллайлик тўғдира, одам мияси илм ўрганиш учун эмас, ўша “ифор”ни ҳидламаслик учун меҳнат қиларди.

Бу собиқ иттифоқ даврида ҳам, ундан кейинги пайтларда ҳам журналистика соҳасига декоратив ва имитатив тус берилганини кўрсатади.

Факультетга 60 нафаргина талаба ўқишга қабул қилинарди. Амалиёт ўташ, тажриба орттириш учун на бир телестудия, на бир радиостудиямиз бўларди. Реал журналистикага талаба кириши учун керакли шароитлар йўқ эди. Амалиётчилар билан алоқалар ҳаминқадар эди. Афсус, бу ҳолат кўп йиллар давом этди. Охириги даврларда журналистика факультетига пастроқ балл тўплаган ёки очигини айтадиган бўлсак, камроқ пули бор одамларгина ўқишга кирган. Таассуфки, биз мана шундай воқелик билан яшаб келдик. Натижада журналистикамизда кадрлар танқислиги юзга келди. Кўпчилик, асосан, малакали мутахассислар бу соҳадан чиқиб кетди. Устига-устак, журналистикада қалами ўқиди, тили аччиқ одамлар керак бўлмай қолди. Сўз эркинлиги анқонинг уруғига айланди.

Нихоят 2016 йилдан бошлаб, воқеалар ривож 180 даража ўзгарди. Ўша йили Президент сайловларида мутлақ ғалаба қозонган Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларига берилган эркинлик мисоли тоза ҳаводек ўпкамизни тўлдирди, ҳаммамиз учун катта мотивация берди ва миллий журналистикамизни муболагасиз мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Бу бошланиши эди... Миллий медиа майдондаги ислохотлар меваси сифатида 2018 йил 24 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3737-сонли

қарори билан нолдан бошлаб мутлақо янги замонавий, инновацион Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети дунёга келди.

Лекин янги университет ташкил этилгани билан бошқа турдош олий ўқув юр்தларида журналистика факультетлари ёпилиб кетмади. Шу билан, университетлар орасида ҳам соғлом рақобат бошланди.

ЖОНЛИ ЭФИРЛАР ТИКЛАНГАН ДАВР

Ҳар бир касбнинг ўз “ошхонаси” бўлганидек, журналистикада ҳам мана шундай... Сув ҳам бир жойда туриб қолса, айниди ва у ботқоққа айланади. Бизда деярли шу даврга нисбатан мана шундай манзара юзга келган эди.

Бу вазиятни нима тўғрилади? Менинг назаримда, 2016 йилдаги медиа оламидаги энг катта ютуқ — бу жонли эфирларнинг тикланиши бўлди. Музлар эрий бошлади. Медиапар ва хусусан, Халқаро пресс-клуб музёвэр вазифасини ўтай бошлади. Бизда анчадан бери бўлмаган, йўқотилган имконият пайдо бўлди. Чунки ўша пайтлар Ўзбекистон телеканалларидаги ахборот дастурлари ҳам ёзиб олинарди. Сўнг уни бир нечта цензорлар қўриб чиқиши керак бўларди. Узоқ давом этган муҳокама ва “қайчилаш”лардан кейингина кўрсатув эфирга узатиларди. Лекин унда на мазаси, на матраси ва на тузи қоларди. Биз бу кўрсатувларни гўёки томошабин кўради, деб ўйлардик.

2016 йилдан бошлаб Халқаро пресс-клубнинг жонли эфирлари медиа оламга ислохотлар ва янгиликларнинг ёқимли шабадасини олиб келди. Шахсан мен учун жонли эфирларнинг тикланиши журналистикага бўлган муҳаббатимни қайта “реанимация”дан чиқаришга сабабчи бўлди. Денгиз учун тўлкинлар, боғга эса шамол қанчаллик керак бўлса, журналист учун ҳам эркин ижод шунчалик муҳим.

Чунки жонли эфир дегани бу олдиндан режалаштирилган режиссура эмас. Уни қайчилаш, назорат қилиш қийин. Одамлар жонли эфирларни шунинг учун ҳам севиб кўрадилар.

2016-2018 йилларда оммага танилган Халқаро пресс-клуб Мўйноқдан бўладими, Манасми, Олот ёки Қорақўлми ёхуд республикамизнинг энг чека ҳудудидан бўладими, юзлаб жонли эфирлар ташкил этди. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйлаб хизмат сафарларига



чиқиб, юртимизнинг очилмаган қирраларини кашф қила олди. Халқимиз вазирларни, ҳокимларни, депутат ва сенаторларни, блогерларни Халқаро пресс-клубнинг кўрсатувлари орқали таний бошлади. Жонли эфирлар пайтида жамият олдида турган энг жумбоқли масалалар бўйича очикчасига гапиришни бошладик. Халқимиз бизда ҳам сўз эркинлиги борлигига, Ўзбекистон ҳукумати фуқаролари учун қайғуриб, бюрократия, коррупция иллатлари билан фаол курашаётганлигига гувоҳ бўлди.

Бу биргина телевидение мисолидаги ўзгаришлар. Ундан ташқари, медиа вакиллари газета саҳифаларида бўладими, интернет сайтларида бўладими, радиотўлкинлари бўладими, исталган ҳукумат вакилини, ташкилот раҳбарини танқид қилишни, энг оғрикли муаммоларни кўтаришни бошлади.



“ЎЗЖОКУ қўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Мисол учун, университет радиостудияси Германиянинг дунёга машхур “Deutschwelle Academy” билан, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) билан телестудия ташкил этилди. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва Хитойнинг “Huawei” компанияси билан биргаликда замонавий фотолаборатория ҳамда коворкинг маркази ташкил қилинди. Шунингдек, университетимиз ҳудудид 3 та “Open Air” майдончаси, талабалар пресс-клуби мавжуд.

ХЎШ, ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА ҚАНДАЙ ЭХТИЁЖ БОР ЭДИ?

1991 йилдан Ўзбекистонда “кадрлар инқирози” бошланди. Замонавий фикр юритадиган, ностандарт ва креатив ёндашадиган кадрларга, шу жумладан, журналистларга эҳтиёж ниҳоятда юқори эди. Ачинарлиси, журналистика соҳасида йиллар давомида илмий ишлар, илмий изланишлар деярли олиб борилмаган эди. Яна бир бор такрорлайман: биз учун 2016 йил чин маънода бурилиш нуқтасига айланди.

БИР ҚАВАТЛИ ЖУРФАКНИНГ 27 ҚАВАТЛИ ОСМОНЎПАРГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Университетни барпо этиш жараёни ҳам осон кечмади. Янги университет қурилиши учун шахар марказидан бино танлаб олинди. Жойлашув ҳақиқатан қулай эди. Олийгоҳ қурилишига қақатгина олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эмас, балки бошқа ҳамкасбларимиз, йирик ташкилотлар, ҳомийлар амалий ёрдам кўрсатди.

Битта масалани ҳал қилдик деганимизда, 2019 йилнинг охирида глобал пандемия бошланди. Энди ўз эшигини очган университет талабалари масофадан туриб дарсларда қатнашди. Шу билан бирга, ташкил этилганлигига кўп муддат ўтмаган университетнинг ресурслари ҳам чекланган эди. Лекин биз таслим бўлмадик. Айнан энг оғир шароитда, пандемия авжига чиққанда университетимизнинг янги 8 қаватли ўқув биноси қад ростлади: замонавий, инновацион радиостудия, телестудия барпо этилди. 310 нафар талабага мўлжалланган

8 қаватли талабалар тураржойи — “My sweet home” маскани қурилди. Эски журфак бир қаватда ўтирган бўлса, бугун биз умумий ҳисобда 27 қаватга эгамиз.

ЎЗЖОКУ қўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Мисол учун, университет радиостудияси Германиянинг дунёга машхур “Deutschwelle Academy” билан, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) билан телестудия

1465 нафари бакалавриятнинг кундузги йўналишида, 108 нафари кечки таълимда, 722 нафари сиртки таълимда, 295 нафари эса магистратура йўналишларида ўқимоқда.

Яқинда сиёсатшунослик йўналиши очилди. Ҳозир минтақашуносликдан дарслар берилмоқда. 8 та хорижий тил талабаларимизга ўргатилмоқда. Яна янги йўналишлар очиб бўйича изланишлар олиб бориляпти.



ташкил этилди. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва Хитойнинг “Huawei” компанияси билан биргаликда замонавий фотолаборатория ҳамда коворкинг маркази ташкил қилинди. Шунингдек, университетимиз ҳудудид 3 та “Open Air” майдончаси, талабалар пресс-клуби мавжуд.

Булар нафақат талабаларга ўқиш давомида амалий ўрганиш имкониятини яратяпти, балки талабаларимиз шу ердан “O‘zbekiston”, “O‘zbekiston 24”, “Yoshlar” ва “Renessans” телеканаллари контентини бойитиб, жонли эфирларга ҳам чиқмоқда.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, 4 йил давомида талабаларимизга фақат назарий билим берибгина қолмай, балки уни амалиёт билан уйғунлаштирдик. Талабаларимиз 50-60 фоиз ўқув вақтини аудиторияларда ўтказса, қолган пайтларда амалиётда бўлиб, тажриба орттириб келади.

ЎЗЖОКУга илмий даражаси йўқ бўлса ҳам, лекин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси ва умуман, ҳаётий тажрибага эга инсонларни тақлиф қилдик.

Университет ижтимоий тармоқларда жуда фаол. Университет қисқа муддат ичида бўлса ҳам АҚШ, Туркия, Жанулий Корея, Латвия, Литва, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистоннинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик қилиб боради.

Келинг, энди айрим рақамларга мурожаат қиламиз.

Бугунги кунда университетимизда мавжуд 3 та факультетда жами 2590 нафар талаба таҳсил олмақда. Уларнинг

Шуни қувонч билан айтаманки, бу йил университетимизни Президентимиз қарори билан ташкил этилган йили ўқишга кирган 119 нафар бакалаврият талабаси “илк қалдирғоч” сифатида тамомлайди.

Қолаверса, ҳар йили илмий салоҳиятимиз ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 4-5 нафар ёш тадқиқотчилар фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD), доцент ва профессор унвонларига сазовор бўляпти.

“МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ, БУ — ҚЕЧ БИР МАМЛАКАТ ВОЗ КЕЧОЛМАЙДИГАН БЕБАҲО ИМТИЁЗ”

Моҳандас Карамчанд Гандининг бу гапи йиллар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Словениялик журналист ва ёзувчи Жарко Петан шундай дейди: “Келажаkning буюклиги ҳақида сиёсатчилар, ўтмишнинг буюклиги ҳақида тарихчилар, бугуннинг буюклиги ҳақида эса журналистлар қайғуришлари керак”.

Мен бу йил Университетимизнинг илк қалдирғочлари сифатида бағримиздан учирма бўлаётган талабаларимизга қарата мана шунини айтмоқчиман: сизлар буюк келажагимиз ва буюк бугунимизнинг бунёдкорларисиз. Ҳар дам, ҳамиша ва ҳамма ерда мана шу оддий ҳақиқатни унутманглар. Қерда меҳнат қилманг, ортингиздан “Сенга таълим берган устозингга раҳмат!” деган эътирофларни эшитинг.

Доимо эркин журналистика, эркин матбуотнинг юзи бўлинглар!

Барчангизга бошланажак мустақил янги ҳаётингиз муборак бўлсин!

МУНОСАБАТ

Шамсиддин АЛИМОВ,
Ўзбекистон Давлат
геология ва минерал
ресурслар қўмитаси раиси
ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Янги кон қўшимча имконият, дегани. Бинобарин, геологлар меҳнати шуниси билан қадрли ва аҳамиятли. Негаки, биргина кон иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланиши, янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда янги иш ўринлари яратилишига туртки беради. Булар ижобий ҳол, албатта. Лекин шу билан бирга, ҳали қилинадиган ишлар ҳам кам эмас.

Тақдиротда давлатимиз раҳбари томонидан нодир ва ноёб металллар қазиб олиш ҳажминини ошириш мақсадида 2022–2026 йилларда геология-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу дастурда 8 та янги кон ва 18 та истиқболли майдон ҳисобига уран захирасини ошириш, замонавий буртилаш ускуналарини олиб келиш, рақамли геология моделини яратиш кўзда тутилади.

Юртимиз замини табиий захираларга бой. Бу бизнинг ютуғимиз. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, геология-қидирув



ишлари изчиллигини таъминлаш муваффақият гаровидир. Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш ҳамда Молия вазирликлари билан келишиб, 2022 йил учун минерал ҳомаёё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастури доирасида 312 та геологик лойиҳани амалга оширишга 1 триллион сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган. Бугунги кунда бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, охириги беш йилда кон-геология саноати ва ер ости табиий бойликларидан самарали фойдаланиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилди. Ушбу мақсадда айнан геология соҳасини ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбарининг бешта қарори ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда жами 486 та устувор вазифа белгилаб берилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳолати, уни замонавий стандартлар асосида такомиллаштириш, фойдали қазилма ресурсларини илм ва технология асосида қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, йирик инвестиция лойиҳаларини йўлга қўйиш ва шу каби долзарб вазифалар ечимига қаратилган 4 мингдан ортиқ топшириқлар белгиланган. Уларнинг мукамал ижроси, пировардида, ер ости бойликларининг халқ манфаатлари учун хизмат қилишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ривожига муҳим ўрин эгаллаб, қўзланган мақсадларга эришишда ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.



Президентимиз томонидан 2021 йил 10 февралда айнан ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган фармон қабул қилиниши ушбу йўналишнинг қай даражада муҳимлигини аңглатади. Чунки фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда

қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига текзор етказиш, белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилинч ҳамда текзор чоралар қўриш мақсадида ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизими йўлга қўйилди.

Шу каби қўрилаётган чоралар натижа-сида қўмитамизда ҳам ижро интизоми бўйича муайян тизим шакллангани, бу ўрта ва куйи бўғинда масъулиятни ошириш, қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат мазмун-моҳияти, улардан қўтилаётган амалий натижаларни жойлардаги масъулларга етказиш, топшириқлар ижросини барвақт таъминлаш каби мезонларга асосланган.

Шунингдек, таҳлиллар ва муҳокамалар натижасига кўра, ижро интизоми таъминлашда йўл қўйган қамчиликларни учун раҳбар ва ҳодимларга нисбатан қатъий интизомий жазо чоралари белгиланган.

Ижро интизоми ҳолатини рақамларда кўрайдиган бўлсак, “lrgo.gov.uz” тизими бўйича бугунги кун ҳолатига кўмитага алоқадор 247 та ҳужжатда жами 1 минг 384 та топшириқ белгиланган. Шундан 1 минг

60 таси бажарилган, 324 таси муддатид а амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Давлат геология қўмитаси томонидан 2022 йилда жами 8 та ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, шундан 2 таси Президент ҳужжатлари ҳамда 6 таси ҳукумат ҳужжатлари лойиҳаларини ташкил этади.

Бундан ташқари, топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш ва бажаришда масъул ижрочиларга ҳуқуқий-услубий қўмаклашиш ҳамда амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиб бориш мақсадида марказий аппаратда йўлға ахборот-таҳлил бошқармаси фаолияти ташкил этилиб, малакали кадрлар билан тўлдирилди.

Давлат геология қўмитаси томонидан 2022 йилнинг ўтган уч ойида дунёнинг йирик тоғ-кон компаниялари билан 10 та инвестиция лойиҳаси доирасида 15,7 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Умуман олганда, соҳага қаратилаётган эътибор юқори, ажратилаётган сармоялар салмоқли, вазифалар залворли. Муҳими, буларнинг бари бир мақсад — мамлакатимизда геология-қидирув ишларини жадаллаштириш орқали иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Давлатимиз раҳбари иштирокидаги тақдиротда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

ГЕОЛОГИЯ РИВОЖИ — ИСТИҚБОЛЛИ КОНЛАРНИ АНИҚЛАШТИРИШГА ЙЎЛ ОЧАДИ

ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР — САЙЛОВЧИЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ, ЗАМОН ТАЛАБИ

Акмал САИДОВ,
Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича
таклифларни шакллантириш ва ташкилий
чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан
Конституциявий комиссия раиси

Бошланиш 1-бетда

Хўш, парламентимизнинг бундай қарорида сабаб нима ва у нима билан боғлиқ? Конституциявий ислохот нимага керак, унинг асл, туб ғояси нимадан уборат? Комиссия фаолияти қандай ўй билан ва қайси тамойиллар асосида ташкил этилади? Булар мазкур мавзу юзасидан глобал тармоқ ва ижтимоий саҳифаларда берилаётган саволлар рўйхатининг кичик бир қисми, холос.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТ — АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ ВА САЙЛОВЧИЛАР АМРИ

Аввало, Ўзбекистонда конституциявий ислохотнинг бош ғоявий илҳомлантирувчиси, шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев, асосий ташаббускори эса мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламидир. Биринчидан, 2021 йилнинг октябри ойда Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электрат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг манتيқий давоми бўлган муҳим таклиф илгари сурилди. Бу — конституциявий ислохотни амалга ошириш.

Хусусан, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид **биринчи таклиф** ЎзЛиДеПдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловчилар билан **Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида** бўлиб ўтган учрашуви чоғида илгари сурилган эди. Нафақат минтақавий, балки жаҳон кўламига эга экологик фожиа — Орол денгизи қуриши билан боғлиқ вазиятда амалдаги Конституцияда ўз аксини топмаган, инсоннинг экологик ҳуқуқлари, юртимиз аҳолисининг яшаб турган ва бўлажак авлодларининг қулай ва тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини мамлакат Бош қонуниди аққ эттиришнинг долзарблиги ва ҳаётий аҳамияти таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, “Барқарор ривожланиш маркази” ННТ ва Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан “Конституциявий ислохотлар: дунё мамлакатларининг тажрибаси” мавзусида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар, хорижий ва халқаро конституциявий ривожланишнинг эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун амалга оширилмоқда.

Келгусида Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудлардаги сайловчилар билан яна 7 та вилоятда бўлиб ўтган учрашувлари жараёнида хусусий мулк муҳофазасига доир конституциявий-ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш ташаббуслари, жумладан, ер ва ерости бойлиқлари-га бўлган ҳуқуқ, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, мамлакатда миллатлар ва эллатларро тутувликини кучайтириш, миллий демократик институт — маҳалланинг ўрни ва макomini ошириш, келажак авлодларга-ча аънаваный инсоний қадриятларни асраб-авайлаган ҳолда етказиш, оила институтининг аҳамияти, давлат ёшлар ва гендер сиесатини, инновацион иқтисодиёт ва “билимлар иқтисодиёти”ни ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага инвестициялар ҳақмини кенгайтириш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Энг муҳими — келтирилган барча масалалар сайловчилар, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтлари ва миллий-маданий марказлари вакиллари — мамлакатнинг оддий аҳолиси томонидан кутарилди. Ўз навбатида, бу, бир томондан, Президентимизнинг **Янги Ўзбекистон стратегияси** доира-сидаги демократик ислохотлар сиесати кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат берса, иккинчи томондан, сайловчилар уларнинг натижадорлигидан, уларни янада чуқурлаштириш ва сайлововди дастурда белгиланган мақсад-ларга эришишдан манфаатдорлигини кўрсатади.

Куйидаги партия номзодларининг учрашувлари чоғида ҳам:

- **Ўзбекистон “Миллий тиклиниш” демократик партияси** — мамлакатимизнинг конституциявий тенглигини белгилаш, миллий аънава ва қадриятларни мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш юзасидан;

- **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси** — суд ҳокимияти мустақиллиги, қонунлар ва суд қарорлари одиллиги, Конституция ва қонунлар, инсон ҳуқуқлари устуворлигининг, коррупцияга қарши кура-шининг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган;
- **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** — аҳолининг ҳимояга муҳтоқ қатламларининг, айниқса, ногиронлиги бор шахсларнинг конституциявий ва ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш, ижтимоий йўналишга эга давлат қуриш борасида;
- **Ўзбекистон Экологик партияси** — мамлакатда яшил иқтисодиётга ўтиш, экологик ноқулай ҳудудларда ва-зиятни яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси сайлов ва президентликка номзодлар билан учрашувлар жараёнида сайловчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза, таклиф ва хоҳиш-истакдир.

Иккинчидан, сайловчиларнинг хо-ҳиш-истакларини чуқур ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Президенти конституция-вий ислохотлар заруриятига алоҳида ургу берди:

- **Ўтган йилнинг 6 ноябрь куни ўзининг инаугурация нутқи вақтида** Президент академик таълим ва экс-пертлар ҳамжамияти олдидан консти-туциявий ривожланишда миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш вазифа-сини қўйди, депутат ва сенаторлардан ушбу масалага эътибор билан ёнда-шиб, уни ўрганиш ва аниқ таклифларни ишлаб чиқишни сўради;
- **Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 29 йиллиги му-носабати билан йўллаган табригида** сайловчиларнинг амри ва хоҳиш-ис-такларига, тез суръатга эга демократик ўзгаришлар эҳтиёжларига асосланган конституциявий ислохотнинг устувор йўналишларини белгиллади.
- **Бундан ташқари, давлатимиз раҳба-ри “Янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегияси” фундаментал муал-лифлик монографиясининг** иккинчи



“**Конституциявий ислохот ҳозирги ва келажак барқарор ривожланишнинг зарур юридик заминидир. Хусусан, у ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга, ҳисобдорлик, шаффофлик, иштирок ва келажакни кўра билишни оширишга кўмаклашувчи конституциявий “қондалар”ни ўзгартириш йўли билан “самарали бошқарувнинг” ҳаётий аҳамиятга эга инструменти бўлиши мумкин. Бошқарувнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигига имкон беради. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт учун фойдали бўлиб, инвестиция ва тараққийт учун барқарор замин яратади.**”

Бунда Конституция ақида эмас, балки ҳаракатларнинг, барқарор тараққийтнинг дастури. Тузатиш, ўзгарти-риш киритиш имконияти барча консти-туцияларнинг фундаментал хусусиятидир. Жамият тарихий ривожланишининг тур-ли босқичларида бирдек хизмат қиладиган конституциявий матнни биттада ва абадий яратиб қўйишнинг иложи йўқ. Шундай қилиб, XX асрнинг охириги ўн йиллиги ва XXI асрнинг боши дунё юриспруденцияси тарихига жаҳон ҳам-жамияти вакилларининг конституция-вий тузумида конституциявий исло-хотларнинг янги сифат босқичига чиқиши, конституциявий дунёқараш-да сифат жиҳатидан чуқур ўзгариш-лар даври ўлароқ киради. Хусусан, сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортқ мамлакатида конституциявий ислохотлар ўтказилди, 57 давлатда янги конституция қабул қилинди. Эъти-борлиси, конституцияга энг кўп ўзгарти-риш ва қўшимчалар киритган давлатлар ўнталигида Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Ис-роил, Чили, Колумбия, Грузия ва Хиндистон мавжуд. Бунда консти-туциявий ислохотларнинг аксарияти дав-лат ва жамиятни модернизация қилиш ёҳуд сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий инқирозларга йўл қўймаслик, оқибатла-рини бартараф этиш доирасида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунёда дастлабки тахрирдаги конституциялар деярли қолмаган. Ҳозирги кунда энг қадимий ҳисобланган конституцияларга ҳам АҚШ да 27 та туб ўзгартириш, Норве-гияда 200 мартадан ортқ (бунда Бош қонун моддаларидан тахминан 1/3 қис-мигина ўзининг дастлабки қўринишида қолган), Нидерландияда 24 марта (би-рок 1983 йилда матни пухталик билан модернизация қилиниши натижасида ундаги деярли барча моддалар ўзгар-ган) ўзгартириш киритилган.

Замонавий глобаллашув шароити-да бутун дунё мамлакатлари жадал тарзда конституциявий ривожла-нишнинг ўз моделини изламоқда. Шу билан бирга, Конституция давлатнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда консти-туциявий тамойиллар куйидагиларни кўз-да тутади:

- **биринчидан**, инсоннинг асосий ҳу-қуқ ва эркинликларини кенгайтириш (шахс конституцияси);

- **иккинчидан**, “жамоат ҳуқуқлари”, “умумжамият ҳуқуқлар”нинг ҳимоясини мустаҳкамлаш, яъни фуқаролик жамия-ти институтларини мувофиқлаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш (жамият конституцияси);

- **учинчидан**, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимини таш-киллаштириш, бевосита демократия шакллари билан уйғунлашган вакил-лик демократиясини (сайлов, рефе-рендум, умумхалқ муҳомака) тақомил-лаштириш, ҳокимият ваколатларини бўлиш, жумладан, қонунчилик ва иж-роия ҳокимияти ўртасидаги ўзаро на-зорат ва мувозанатни сақлаш ҳамда суд органлари мустақиллиги тамойи-лини қўллаш, мансабдор шахсларнинг

масъулияти ва ҳисобдорлигини янада ошириш (давлат конституцияси).

Конституциявий ислохот ҳозирги ва келажак барқарор ривожланиш-нинг зарур юридик заминидир. Хусу-сан, у ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга, ҳисобдор-лик, шаффофлик, иштирок ва келажакни кўра билишни оширишга кўмаклашувчи конституциявий “қондалар”ни ўзгартириш йўли билан “самарали бошқарувнинг” ҳаётий аҳамиятга эга инструменти бўлиши мумкин. Бошқарувнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар сиё-сий тизим барқарорлигига имкон бера-ди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт учун фойдали бўлиб, инвестиция ва тарақ-қийт учун барқарор замин яратади.

Дунёдаги конституциявий ўзгариш-ларни ўрганиш ўзига хос жиҳатни — дав-лат Бош қонунини замон талабларига

барқарорлик ва миллий мустақиллик-ни мустаҳкамлаш бўйича ўта муҳим ва долзарб бўлган янги, кечиктириб бўл-майдиган вазифаларни қўймоқда.

Шу тариқа, Ўзбекистоннинг кон-ституциявий тараққийти умумжаҳон конституциявий ислохотлари йўли-дан кетмоқда.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбе-кистоннинг тараққийт стратегияси” китобида демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чикувчи яна-да жиҳдий вазифалар қўйилган. Улар қонунчилик ҳамда ҳуқуқни англаш ва қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини умуминсоний қадрият-лар ва барқарор ривожланиш тамойил-ларига йўналтиради. Янги Ўзбекистонга мувофиқ келадиган янги конституция-вий принцип ва нормаларни белгилаш кўзда тутилган.

Аввало, бу “Инсон қадри учун” ус-тувор тамойилини ҳаётга татбиқ этишга тегишлидир. Бунда инсон қадри — мам-лакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларни, малакали тиббий хиз-мат, сифатли таълим, қучли ва манзил-ли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом эко-логик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфра-тузилманинг босқичма-босқич яратили-шини аналтади.

Конституциявий ислохотларнинг куйидаги устувор йўналишлари бел-гиланган:

- **биринчидан**, аввал амал қилган “давлат — жамият — инсон” парадигма-сини янги “инсон — жамият — давлат” парадигмасига ўзгартириб, консти-туциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустаҳкамлаш;

- **иккинчидан**, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъ-минлаш. Бу халққил давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шартидир;

- **учинчидан**, фуқаролик жамияти ин-ститутларининг ўрни ва макomini, “Жа-мият — ислохотлар ташаббускори” тамойилини конституциявий мустаҳ-камлаш;

- **тўртинчидан**, оила институтини ривожлантириш, бўлажак авлодлар-га аънаваный инсоний қадриятларни

Президентимиз: “Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг “Яхши бўлиш учун — ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”, деган сўзларида, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно муҳассам”, дея ургу берди. Дарҳақиқат, жадал ўзгариб бораётган замона замонавий талабларга жавоб берадиган Конституцияга эга бўлиш учун мувофиқ хатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни талаб қилади.

асраб-авайлаган ҳолда етказиш, мам-лакатда миллатлараро тутувликини мустаҳкамлашнинг конституциявий асосларини белгилаш;

- **бешинчидан**, Конституцияда дав-лат ёшлар сиесатини, янги Ўзбекистон бунёдкорлари — ёшларнинг ҳар томон-лама қўллаб-қувватланишини, уларнинг ҳуқуқи, манфаатлари ва мажбуриятла-рини акс эттириш;

- **олтинчидан**, ҳозирги кунда Ўзбеки-стон ижтимоий давлат ва одил фуқаро-лик жамиятини қуриш сари илдам бо-раётганини ҳисобга олган ҳолда “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” та-мойилини конституциявий норма сифа-тида мустаҳкамлаш;

- **еттинчидан**, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлиги-ни ошириш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқлари-нинг ишончли муҳофазасини таъмин-лаш;

- **саккизинчидан**, Конституцияга мах-сус экологик қондалар, глобал иқлим ўзгаришларига тегишли ҳуқуқий меъё-рларни киритиш;

- **туққизинчидан**, болалар боғчалари, мактаблар, Учинчи Ренессанс асосла-рининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари бўлган олий таълим ва фан соҳаларини ривож-лантириш масалаларини конституция-вий даражада мустаҳкамлаш.

Президентимиз: “Атоқли давлат ва сиесат арбоби Уинстон Черчилл-нинг “Яхши бўлиш учун — ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш ке-рак”, деган сўзларида, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно муҳассам”, дея ургу берди. Дарҳақиқат, жадал ўзгариб бораётган замона замонавий талабларга жавоб берадиган Кон-ституцияга эга бўлиш учун мувофиқ хатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни талаб қилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ: АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Олий Мажлис палаталари кенга-шлари томонидан Конституциявий ко-миссиянинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

- таклифларни тўплаш, умумлаш-тириш, шакллантириш асосида “Ўзбе-кистон Республикасининг Консти-туциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳа-сини ишлаб чиқиш;
- давлат органлари, нодавлат ташки-лотлар ва мансабдор шахслардан ҳуж-жатлар, экспертлик ва турли хулосалар, статистик маълумотлар ва бошқа ахбо-ротларни сўраб олиш;
- илмий-тадқиқот муассасалари, олимлар, экспертлар ва мутахассис-ларнинг Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифла-ри юзасидан тавсияларини, шунингдек, экспертлар хулосаларини олиш;
- Конституциявий комиссиянинг иши-га давлат органлари ва нодавлат ташки-лотлар вакилларини экспертлар сифа-тида жалб қилиш;
- зарурат туғилганда, манфаатдор давлат органлари ва нодавлат ташки-лотларга ўрнатилган тартибда қўриб чи-қиш учун тақдим қилинган таклифларга асосан, бошқа қонунчилик ҳужжатлари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;
- конституциявий ҳуқуқ ва эркинлик-лар бузилиши ҳақида жисмоний ва юри-дик шахслардан келиб тушган муро-жаатларни тегишли идораларга қўриб чиқиш учун юбориш.

Конституциявий комиссия иши-нинг энг муҳим тамойиллари куйида-гилардан иборат:

- **биринчидан**, фаолият очиклиги ва шаффофлиги. Бунда конституциявий ислохотларнинг энг муҳим вазифала-рини жамиятда очик, шу жумладан, хал-қаро экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида муҳомака қилиш учун барча шароитлар таъминланади.

- **Бунда Конституциявий комиссия матбуот хизматининг** фаолияти ало-ҳида ўрин тутади, хусусан, у оддий фу-қаро учун содда ва тушунарли тилда конституциявий ислохотларнинг, кон-ституциявий новеллаларнинг (янгилик-

МАҲАЛЛА — ХАЛҚНИНГ ДАРДИГА ДАРМОН ВА УНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) САЙЛОВИ



Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органини шакллантиришнинг юридик моҳияти ва аҳамияти

Европа Иттифоқи 1985 йил 15 сентябрда қабул қилган “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўрисида”ги Европа хартиясининг 3-моддасида “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда ўз масъуллигида, муайян ҳудуддаги маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, тегишли қонунлар доирасида давлат ишларининг аксарият қисmini бошқариш ва уни реал уддалай олиш тушунилади”, дейилади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг мазкур халқаро ҳужжатда келтирилган таърифида катта манتيқ бор. У масаланинг моҳиятини назарий жиҳатдан кенроқ тушунишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Зотан, Президентимиз яқинда Фарғона вилоятига ташири чоғида: “**Маҳалла халқнинг дардига дармон ва халқнинг давлатдан ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотлардан рози бўлиши ёхуд муаммоларни ҳал этишда катта куч. Биз бундан кейин барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бу тизимни ишлатамиз**”, деган эътирофи юқоридаги халқаро ҳуқуқий ҳужжат моҳияти билан уйғун экани ҳам фикримизни исботлайди. Бу, табиийки, янги Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви бевосита халқ ҳокимиятичилигининг демократик янгилиши ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлариغا асосланаётганини аниқлатади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини халқаро талаблар, миллий қонунчилик ҳамда аҳоли фаоллиги асосида ўтказиш халқимизни рози қилиш, бу йўлда мавжуд муаммоларни давлат бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслар билан биргаликда ечимини топиш механизми яратилишига асос бўлади. Маҳалла институтининг ҳаётиямиздаги ўрнини мустақамлайди.

Мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловининг ҳуқуқий

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик университети
профессори в.б, юридик фанлар доктори

Жорий йил 15 март куни Олий Мажлис Сенати Кенгаши мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови жараёни бошлангани ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси тузилганини расман эълон қилган эди. Сайлов белгиланган режа асосида 16 майдан бошланди. Бу юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий, ҳуқуқий-сиёсий жараён саналади. Янги Ўзбекистондаги туб ислохотлар моҳиятини идрок этишда ва халқни рози қилишда асосий фуқаролик жамияти институти сифатида маҳалла раиси сайловининг мазмун-моҳияти, ўтказилиш тартиби ва қоидаларини билиш ҳар бир юртдошимиз учун муҳимдир.

асоси сифатида намунавий низомлар тасдиқланган. Бу ҳужжатлар давлат бошқарувининг энг қўйи бўғини саналиш маҳалла институти бугунги замон ва демократик талаблар асосида шакллантирилишига ижтимоий-ҳуқуқий имконият яратиши билан эътиборга молик. Яна бир муҳим жиҳат шуки, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини билиш ёхуд улардан ҳуқуқни қўллаш амалиёти талаблари доирасида фойдалана олиш фуқаролар, давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда нодавлат нотихорат ташкилотлар учун “жамият — ислохотлар ташаббускори”га айланишига замин яратишини кўрсатади.

Маҳалла раиси сайловининг аҳамияти ва босқичлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб тарзда ўтказиш инсон, жамият, давлат учун ҳам бирдек манфаатли саналади.

Бу жараён фақат муайян ҳудудга масъул шахсни сайлаш эмас, аксинча, қонунда турли ҳуқуқий механизмларни акс эттирган 3 муҳим босқичдан иборатлигига эътибор қаратиш лозим.

Биринчи босқич фуқаролар йиғини раиси сайлови жараёнини расман эълон қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлар тузиши акс эттиради. Кейинги босқич ҳудудда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қодир, инсон қадрини тушунадиган, мавжуд қонуний механизмларни ишлата оладиган масъулиятли ва ташаббускор, адолатли бошқарувчини ҳуқуқ ва адолат асосида сайлашни ўз ичига олади. Учинчи босқич эса демократик ҳамда ҳуқуқий таъминлаш асосида сайланган маҳалла раиси орқали халқ фаровонлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувига реал таъсир кўрсата олувчи аҳил ва меҳнаткаш жамоани шакллантириш жараёнини муваффақият билан олиб беришга қаратилган бўлади.

Шу нуқтаи назардан, сайловнинг адолатли ва ҳолис ўтишига, энг аввало, сайловчилар масъулдир. Бу билан улар ўз ҳудудининг фаровон келажagini белгилаб беради. Чунки сайловдан кейин улар сайлаган раис иш бошлайди, ма-



ҳалла ҳаёти ўзгаришига ҳам янги режалар билан кириштилади.

Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масъул ташкилотчилар зиммасига катта масъулият юқлайди. Улар ўзига билдирилган ишонч ва масъулиятни оқлаш орқали белгиланган тартибда рағбат кўради. Давлат эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш билан уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокидан наф қўради. Ўз ўрнида, жамият ҳам фуқаролик институтларининг ҳуқуқий ва демократик фаолияти тақомиллашувидан манфаатдор бўлади.

Фуқаролар йиғини раиси сайлов жараёнининг қонунда белгиланган расмий

“ Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини халқаро талаблар, миллий қонунчилик ҳамда аҳоли фаоллиги асосида ўтказиш халқимизни рози қилиш, бу йўлда мавжуд муаммоларни давлат бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслар билан биргаликда ечимини топиш механизми яратилишига асос бўлади. Маҳалла институтининг ҳаётиямиздаги ўрнини мустақамлайди.

эълон қилиниши, тайёргарлик жараёнига кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлар тузилиб фаолият юритиши, ҳудуддаги ҳовиллар, уйлар ва кўчалардан сайланган, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган фуқароларнинг вакиллар сифатида сайланиши



ва санок комиссиясини сайлаш ҳамда иш регламенти (номзодларнинг маърузалари ва муҳокамаси, савол-жавоб учун вақт белгилаш) каби вазифалар ишчи гуруҳ ваколатидаги масалалар саналади. Шунингдек, ишчи гуруҳ раиси фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларни эълон қилади ва алифбо тартибда номзодларнинг ҳар бирига сўз беради. Номзодлар ўз дастурий маърузалари билан сўзга чиқади. Савол-жавоблардан сўнг санок комиссияси томонидан ваколатли вакилларга сайлов бюллетенлари берилади. Ҳар бир бюллетеннинг орқа томонига ишчи фуқаролар йиғини раисини сайлаш ҳақидаги маълумотлар, устувор вазифалардан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини кенгаши таркибига йиғин раиси (оқсоқоли), унинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари (профиллактика инспектори) ва маслаҳатчилари, кўчабоши, уйбоши, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, таълим ва тиббиёт муассасалари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимларини киритишни вазиятнинг ўзи тақозо этаётгани ҳам реал воқеали.

Кейинги йилларда маҳалла институти нуфузи ва мавқеини ошириш борасидаги ислохотлар, устувор вазифалардан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини кенгаши таркибига йиғин раиси (оқсоқоли), унинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари (профиллактика инспектори) ва маслаҳатчилари, кўчабоши, уйбоши, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, таълим ва тиббиёт муассасалари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимларини киритишни вазиятнинг ўзи тақозо этаётгани ҳам реал воқеали.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловининг юқорида қайд этилган учала босқичи қонун ҳужжатларида қонунчилик техникаси талаблари жиҳатидан ихчам тарзда қайд этилган бўлса-да, унинг амалга оширилиши мураккаб яхлит бир жараёни ўзида муваффақиятли равишда амалга оширилишига сезиларли таъсир кўрсатувчи турли ҳуқуқий норма ва механизмлардан иборатлигини назардан қочирмаслигимиз лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама эркин ва фаровон инсонпарвар давлатни барпо этишдек ҳаракатлар кенгаётган бир даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун бундай сайловлар бўлиши ниҳоятда шарафли иш эканига эътибор қаратиш керак.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови жараёнини кузатар экансиз, бугунги халқимиз кечати халқ эмаслигига, демократик ислохотлар йўли биз учун ягона ва тўғри йўл эканига амин бўласиз.

ТАДБИРКОРГА КЕНГ ЙЎЛ

Қамбар ҲАЙДАР,
журналист

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тизимли ишлар амалга оширилаётгани боис, юртимизда тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, яқинда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани одамлар учун айни мuddо бўлди.

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида истиқомат қилувчи Зафаржон Сиддиқов 34 ёшда. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Наманган муҳандислик-технология институтида ҳисобчи-аудитор мутахассислиги бўйича билим олди. Кейин ўз соҳаси бўйича бир неча ташкилотда ишлади.

Табиатан меҳнатсевар, илмга чанқоқ Зафаржон ўз вазифасида яхши фаолият юритса-да, янги режаларини амалга ошириш иштиёқи тинчлик бермасди. Фикри-зиқри тадбиркорлик билан шуғулланиш ва бу орқали жамиятга фойда келтириш эди. Аммо қандай қилиб? У нимадан ва қай йўсинда иш бошлашини билмай юрган кунларнинг бирида Президентимизнинг томорқада махсулот етиштирувчилар учун имтиёзли кредит берилиши ҳақидаги қарорини ўқиб қолди. Шундан сўнг отасига кредит олиш орқали тадбиркорлик қилиш тўғрисидаги таклифини билдирди.

— Бунинг учун ер керак, — маслаҳат бошлади отаси Содикжон ака бироз сукутдан сўнг. — Ҳовлимиз катта бўлганда ҳам бошқа гап эди.

— Ҳукумат томонидан томорқа берилаётган экан, — деди отасига умид кўзи билан боққан ўғил.

Зафаржоннинг нияти оила даврасида муҳокамага қўйилди. Астойдил ҳаракат қилинса, уddасидан чиқиб мумкинлигига амин бўлгач, туман ҳокимлигига томорқа ажратишини сўраб, муружаат қилди. Комиссия аъзолари олий маълумотли, ёш, вужуди ғайрат-шижоатга тўла Зафаржоннинг мақсадларини бир овоздан қўллаб, унга туман ҳокимлигининг Бешбулоқ маҳалласидаги захира

майдонидан 25 сотих ер ажратди. Бироқ ер нотекис, бунинг устига чикинди-хонага айланган экан. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, нақлига амал қилиб, оиласи билан майдонни тозалади. Қўл кучи билан бажаролмаганларни махсус техникада чўқур қаздириб, кўмдирди.

Натижада бир йил уринишдан кейин бинойидай томорқа пайдо бўлди. Энди томорқачининг олдида “Бу ерда нима етиштирсам экан?” деган савол кўндаланг турарди. Яна отаси Содикжон акадан маслаҳат сўради.

“Иссиқхона қур”, деди отаси.

Зафаржон аввалига иккиланди, аммо отасининг уринли тавсияси унга қувват бағишлади. Югур-югурлардан сўнг 2017 йили банкдан 27 миллион сўм имтиёзли кредит олди. У иссиқхона қуриш учун уста ёлламади, барини ўзи уддалади. Натижада 15 сотих майдонда бешта замонавий иссиқхона қад ростлади. Бироқ табиий газ тортиб келадиган масофа олис, маблаг эса тугаган эди.

“Ўйчи ўйлагунча, таваккалчининг иши битар”, мақоли Зафаржон сингари ишбилармонларга айтилгандек, гўё. Маниб юрган енгил автомашинасини сотди, иситиш учун иккита қозонхона қурди, кўмир сотиб олди. Тажрибали томорқачилар билан маслаҳатлашиб, 3500 туп маҳаллий

иқлимга чидамли, сифатлилик даражаси юқори, ички бозор талабларига жавоб берадиган аламина навли помидор кўчатини экти. Бу юмушларини амалга оширишда турмуш ўртоғи Зулайхо елкадош бўлди. Эру хотин сарфланган харажатларини жойига қўйиш учун куну тун тинмади. Кўчатлар буй чўзгани сайин қувончларига қувонч қўшиларди. Аммо ғалпир сувдан кўтарилганида бир тарафдан тажрибасизлик, иккинчи томондан махсулотни тайёрлаш жараёнида иситиш учун ёқилган кўмир сарфи ошиб кетгани маълум бўлди. Шу тариқа 2020 йилни зарар билан якунлади.

— Болапарим, бу биринчи уриниш, ҳечқиси йўқ. Руҳингизни туширманг, — далда берди отаси. — Энди ишнинг паст-баландини билиб олдиларинг. Анча тажриба орттирилди. Ниятни



яхшилаб, йўлда дадил давом этаверинг. Худо хоҳласа, ҳаммаси кўнглидгидек бўлади.



Отасининг гапи ва далдасидан қувват олган Зафаржон 2021 йили ҳам иссиқхонадаги ишларни ғайрат билан давом эттирди. Яқун эса чакки бўлмади: нақд 20 миллион сўм соф фойда қурди.

— Дастлабки йилдаги зарар билан кейинги йил қўлга киритилган даромад орасида тафовут нимада экан, аниқлай олдингизми? — сўрадик тадбиркордан.

— Мева ва сабзавотлар очик ҳавода парваришланганда асалари воситасида табиий чангланеди. Қиш фаслида эса асалари уйқуда бўлади. Шу сабабли иссиқхонада махсус суюқлик билан ҳар бир гулни қўлда ушлаб, сунъий чанглатишга эътибор қаратмаганмиз. Иккинчидан, иссиқхонада ҳарорат 10-15 даражадан кам бўлмагани ҳолда 30 даражадан юқори ҳам бўлмаслиги керак экан. Ҳар икки вазият

меъёрга ушлаб турилса, кўзланган ҳосилни олиш мумкин. Акс ҳолда, кўчатнинг мева тугувчи нуқтаси юмилиб,



ривожланмайди. Учинчидан, кўчатлар орасидан ҳаво айланиб туриши учун баргларга шакл беришни унутибмиз. Қолаверса, томчилатиб сугориш мобайнида фосфорли, калийли, азотли ва маҳаллий ўғитлар билан озиклан-тирилиши лозим. Иссиқхонани қундузги шамоллатиб туриш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, сугоришдан сўнг парланган томчи целлофанга йиғилади ва у кўп туриб қолиши натижасида захарга айланади. Бу эса баргларни қовжиратади ва ҳосилдорлиқни пасайтиради.

— Иссиқхонада ўғитларнинг қайси бири зарурроқ?

— Ҳамма ўғитлар ўз ўрнида фойдали ва зарур, — дейди сўхбатдошимиз. — Аммо кўчат ўтқазилганидан кейин маҳаллий ўғит солишининг самараси катта. Чунки бу орқали кўчатнинг илдиз қисми



мустақамлашиб, бақувватлашади. Бошқача айтганда, иссиқхонада ҳосил етиштириш чақалоқни парваришлагандай гап.

Зафаржон Сиддиқов жорий йил ҳам 3500 туп аламина навли помидор кўчати экти. Муайян малака тўплаган томорқачимиз бир тупидан энг камида икки қилодан хирмон кўтариш пайида. Дастлабки 200 қило ҳосил истезмолчиларга етказиб берилди.

— Помидор ҳосилини сотиб бўлгач, бўшаган еримизга иқлим шароитимизга мос, синовдан ўтган оруз навли бодринг екишни режалаштирганмиз, — дейди Зафаржон.

Ҳа, ҳормайдиган Зафаржон изла-нишдан чарчамапти. У синов тариқасида 300 туп қизил бўлғор қалампир ҳам ўстиряпти. Натижа чакки эмас, ҳосил чўғи қутилганидан ҳам аъло... “Ҳовла пиш, оғзимга туш”, дейдиган замонлар ўтмишда қолди. Бугун замон ердан унумли фойдаланганики. Оила-си ва жамият равнақи йўлида хизмат қилган инсон тўқ ва фаровон умр кечиряпти. Бунни юртимизда ҳалол меҳнат қилиб, изланаётган ҳар бир деҳқон қўриб, билиб турибди.

УНДАН ҲИМОЯЛАНИШ ЎЎЛИ БОРМИ?

Мутахассислар фикрича, айнан маймун чечаги қарши эмлаш препарати мавжуд бўлмаса-да, қатор мамлакатлар оддий чечакка қарши вакциналар орқали бунинг олдини олишни уddалаш имконлиги.

Чунки икки вирус бир-бирига ўхшаш ва шу туфайли чин чечакка қарши эмланганлик туфайли ортирилган иммунитет маймун чечаги билан касалланишдан ҳам ҳимоя қилишда тахминан 85 фоиз самара бериши эҳтимоли бор. — Ўзбекистонда ҳозирга қадар маймун чечаги қайд этилгани йўқ. Айни пайтда ЖССТ тавсияларидан келиб чиқиб бу инфекциянинг юртимизга кириб келмаслиги учун зарур чораларни кўряпмиз, — дейди Нурмат Отабеков. — Юртимизга бу касаллик кириб келган тақдирда ҳам бирорта шифохонани мазкур касалликка мослаштириш ёки алоҳида шифохона ташкил этишга эҳтиёж йўқ. Чунки Ўзбекистонда 1980 йилдан аввал туғилганларнинг барчаси касалликка қарши эмланган. Яъни ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизда эмлаш орқали иммунитет ҳосил қилинган. Бундай ҳолатда касаллик оммавий эпидемия тарзида тарқалиб кетмайди.

МИЛЛИЙ ПРОФИЛАКТИК ЭМЛАШ ТАҚВИМИ НИМА?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва

жамоат саломатлиги хизмати ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда иммунизация ва вакцинация жараёнлари, Миллий профилактик эмлаш тақвими ва бу борада аҳолига ишончли маълумотларни etkazиш юзасидан соҳа экспертлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Мустанқилликнинг дастлабки йиллари мамлакатимизда олтига юқумли касалликка қарши эмлаш ишлари олиб борилган. Бугун эса Миллий профилактик эмлаш тақвими мувофиқ, 13 турдаги юқумли касалликлар, жумладан, дифтерия, кўйўтал, қоқшол, сил, В гепатити, полиомиелит, қизамиқ, қизилча, эпидемик паротит, ротавирус, пневмококк, гемофилиус инфлюэнцанинг Б тури (ХИБ) инфекцияси, бачадон бўйни саратони келиб чиқишига сабаб бўладиган папилломавирусга қарши режалар вакцинация тадбирлари ўтказилаётир.

Сўнгги йилларда эмлаш тақвими яна тўртта касалликка қарши эмлаш тадбири киритилдики, бу ҳам аҳоли саломатлиги асраш борасидаги эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Айниқса, 2019 йилдан ўсмир қизларни папилломавирусга қарши эмлаш амалиёти жорий этилди.

Айни пайтда юртимизда профилактик эмлаш ишлари учун 3 минг 138 та эмлаш пункти ташкил этилган. Чақалоқлар сил ва В гепатитига қарши туғруқ мажмуаларининг ўзидан эмланмоқда.

Муҳими, сўнгги йилларда аҳолини бошқарилувчи юқумли касалликларга

қарши профилактик эмлашнинг қамраб олиш даражаси 95-98 фоизни ташкил этапти. Юртимизда 2003 йилдан буён эмлашдан сўнг нокўя реакциялар — асоратлар (ҳолат) рўйхатга олингани йўқ.

— Иммунизация тадбирларининг мунтазам ва самарали ўтказилиши натижасида 1996 йилдан юртимизда ёввойи полиовирус келтириб чиқарадиган полиомиелит касаллиги тугатилди. Ўзбекистон 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Полиомиелитдан холи ҳудуд”, 2017 йилда эса “Қизамиқ ва қизилчанинг 36 ойлик элиминациясига эришган ҳудуд” каби халқаро сертификатларини олишга муваффақ бўлди, — дейди Нурмат Отабеков. — Аввал

лари болалар ўртасида турли юқумли касалликлардан ўлим кўрсаткичи юқори бўлган. Чунки улар қатор хавфли инфекцияларга қарши эмланмаган. Бугун эса ўғил-қизларнинг ҳаётига зомин бўладиган бундай хавфли хасталикларнинг олдини олиш имкони мавжуд.

Маълумотларга кўра, вакциналарнинг аксарияти бола бир ёшга тўлгунича қўлланади. Масалан, 2001 йилдан бери бир суткалик чақалоқлар вирусли В гепатитига қарши ВГВ вакцинаси билан эмланади.

Миллий эмлаш тақвимида 2019 йилдан бачадон бўйни саратони келиб чиқишига сабаб бўладиган папилломавирусга қарши қўлланивчи вакцина ҳам киритилди. Ҳар йили 9 ёшли 350 минг



нафардан ортқ ўсмир қиз ушбу вакцина билан эмланмоқда. Бу мамлакатимизда юқумли касалликлар ривожланиши ва эпидемияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

ЭМЛАШ ИШЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Кейинги йилларда дунёда вирусли гепатитнинг В ва С тури кенг тарқалмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2021 йил бўйича ҳисоботида кўра, дунё миқёсида В гепатитини юқтирганлар сони 300 миллионга яқин ва С гепатити билан оғирганлар сони 150 миллиондан ошган. Юртимиздаги Вирусология илмий-тадқиқот институти мутахассислари ўтказган пилот текширувларда В вирусли гепатит

2,3 фоиз ва С вирусли гепатит эса 3 фоиз ҳолатда аниқланган. Бу жуда катта кўрсаткичдир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридан аҳоли орасида айрим вирусли инфекцияларни ўз вақтида профилактика ва диагностика қилиш, уларни даволаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштиришга доир зарур вазифалар белгиланган берилди. Жигар циррози ва жигар саратонига олиб келувчи В ва С гепатити юқими хавфи юқори бўлган шахсларни, шу жумладан, қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишловчи тиббиёт ходимларини вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш билан тўлиқ қамраб олиш вазифаси кўзда тутилган.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлим бошлиғи Дилором Турсунованинг айтишича, бу сай-ҳаракатлар туфайли вирусли гепатитга чалинишнинг олди олинади. Зеро, 2001 йилдан бошлаб янги туғилган чақалоқларни вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш тадбири Миллий эмлаш тақвимида киритилган бўлиб, эмланганлар орасида, мана йигирма йилдирки, мазкур касаллик қайд этилмапти. Бу эмлашнинг юқори даража самарадорлигини кўрсатади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

БУҒДОЙНИНГ СЕРҲОСИЛ НАВИ



Бошланиши 1-бетда

Ғалла ҳосилдорлигини янада ошириш, дон сифатини, айниқса, унинг нонбоплик хусусиятини яхшилашда тупроқ унумдорлигига алоҳида эътибор қаратиш, селекция ва уруғчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда агротехнологияни мақбуллаштириш, бугдойни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган тизимини кенг ҳамда ўринли жорий этиш билан бирга механизациялашган интенсив технологияларни қўллаш ҳосилдорлик ва дон сифати ошишини таъминлайди.

Шунга қарамай, юмшоқ бугдойнинг интенсив навларини яратиш, уларни етиштириш технологияси кашф этилган ҳар бир навнинг биологик хусусиятларига мос равишда етарлича ишлаб чиқилмагани айрим ҳўжаликларда ҳосилдорлик пасайишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали олимлари бугдойнинг янги, серҳосил навини кашф этиш устида изчил илмий изланиш олиб бормоқда. Жумладан, юмшоқ бугдой коллекцияси нав намуналари орасидан ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга, ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли, дони сифатли, эртапишар намуналарни аниқлаб, уларни селекция учун дастлабки ашё сифатида частиштириш, олинган дурагай тизмаларни ўрганиш ишлари давом эттирилди. Бу орқали барча талабга жавоб берадиган навларни яратиш мақсадида Ўзбекистон ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда халқаро илмий марказларнинг жаҳон коллекцияси, Дон ва дуккалки экинлар

илмий-тадқиқот институти нав намуналари ўрганилди. Хусусан, кузги бугдойнинг 1200 та нав намунаси ва янги селекция тизмалари асосида “Сугориладиган ерларда шўрланишнинг олдини олиб, экинзор фитосанитар ҳолатини яхшилайдиган, кузги бугдойдан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг ресурстежамкор агротехнологиясини яратиш”, “Кузги қаттиқ бугдой навларининг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш ва уруғлик сифатини оширадиган агротехник усулларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш” ҳамда “Сугориладиган ерларда занг касаллиги, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли, серҳосил, кучли ва қимматли юмшоқ бугдой ҳамда анғизга экиладиган ловиянинг тезпишар навларини яратиш ва уларнинг ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш”, “Кузги бугдойнинг сугориладиган ерлар учун интенсив типдаги, серҳосил, дон сифати кучли ва қимматли бугдой талабларига жавоб берадиган навларини яратиш” илмий лойиҳалари бўйича давлат гранти асосида тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу ўрганишлар асосида кузги юмшоқ бугдойнинг интенсив типдаги, дон сифати кучли ва қимматли бугдой талабларига жавоб берувчи “Жасмина”, “Фарбома” ва “Амира” навлари яратилди. Мазкур навларга учта патент олинган.

Бугун “Жасмина”, “Фарбома” навлари амалиётга кенг жорий этилган бўлиб, Самарқанд вилоятининг сугориладиган майдонларида 2020-2021 ҳосил йилида 12 минг, 2021-2022 ҳосил йилида 13 минг гектар ерга экилди.

Самарқанд вилоятида экилган “Жасмина”, “Фарбома” навлари юқори ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги ва дон сифати

юқорилиги билан бошқалардан ажралади туради. Бу ғаллачиликнинг ривожланишига, донга эҳтиёжнинг таъминланишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Шунингдек, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали ҳамда “Фарбома селек” илмий уруғчилик фермер ҳўжалиги ҳамкорлигида интенсив типдаги серҳосил, касалликларга чидамли ва дон сифати юқори кузги юмшоқ бугдойнинг “Самарқанд” ва арпанинг “Бек” навлари яратилди. Айни кунларда мазкур навлар Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларини синаш марказида синовдан ўтказилмоқда.

Донли экинлар селекцияси ва уруғчилигини янада ривожлантириш мақсадида вилоятда Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали ҳамда Россиянинг “Шелково Агрохим” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида селекция ва уруғчилик кластерини тузиш, унда ҳорихдан келтирилган қишлоқ ҳўжалиги экинлари навлари (бугдой, арпа, кунгабоқар, соя) экиш, ўрганиш ва янги навларни яратиш, бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Европанинг бир қанча мамлакатлари билан ғаллачиликни ривожлантириш бўйича илмий ҳамкорлик меморандумлари ҳам имзоланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида яратилган донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги мактабида муайян илмий ишлар бажаришмоқда. Келгусида юртимиз тупроқ-иклим шароитига мос, энг зўр бугдой ва арпа навларини яратиш пировард мақсад қилиб белгиланган.

ТАЖРИБА

Зайниддин ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси

Замонавий фармацевтика соҳаси анъанавий доришунослик, яъни табиат инъом этган доривор гиёҳлар асосида ривожланмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунё фармацевтика саноатида дори-дармоннинг 50 фоиздан ортиги шифобахш ўсимликлар хомашёсидан тайёрланади. Демак, доривор гиёҳлар қанча кўп ўрганилса, тиббиёт шунча тараққий этади. Бу борада сўнгги йилларда мамлакатимизда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш тадбиркорлигининг янги йўналишига айланиб бораётгани эътиборли, албатта.

ҲАМ ШИФОБАХШ, ҲАМ СЕРДАРОМАД

Шифобахш ўсимликларни ўрганиш, янги турларини юртимиз шароитига мослаштириш ҳамда саноат миқёсида ишлаб чиқариш анча жадаллашган. Бу борада қатор ҳўжатлар имзоланиб, талабгорларга қулай имтиёзлар ҳам берилляпти. Президентимизнинг жорий йил 20 майдаги “Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тармоқни ривожлантиришга оид янги вазифалар белгиланди. Хусусан, туманларни доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ҳудудлар кесимида ихтисослаштириш, 2026 йилгача 36 минг гектар майдонда доривор ўсимликларнинг янги плантациялари ташкил этиш, шу фаолият тури билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёз ва молиялаштириш тартибларини жорий этиш кўзда тутилган. Бу билан юртимизда шифобахш ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш кўлами янада кенгайди.

САЛҚИНСЕВАР ЎСИМЛИК

Доривор ўсимликлар хомашё базасини шакллантириш, аввало, уларнинг янги турларини аниқлаш, дунёда тарқалган шифобахш гиёҳларни ўрганиш ҳамда юртимиз шароитига мослаштиришдан бошланади. Олимларимиз бу борада узоқ йиллардан буён илмий ва амалий тажрибалар олиб боради. Аммо ўсимликларни маданийлаштириш ва ишлаб чиқаришга киритиш сўнгги йиллардагина фаоллашди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 700 дан ортқ тури мавжуд бўлиб, шулардан табиий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган 120 дан зиёд тургина илмий ва халқ таъоботида қўлланилади. Охириги йилларда бу рақамлар сезиларли ўсиб борапти. Мутахассислар инсон саломатлиги учун фойдали ва фармацевтикада қўллаш мумкин бўлган қўллаб доривор ўсимликларни ўрганиб, юртимиз шароитига мослаштиряпти.

Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан ҳам тажриба майдонларида янги турдаги доривор ўсимликлар ўстирилмоқда. Шулардан бири дунё бозорида тугма номи билан танилган перилла доривор ўсимлигидир. Перилла салқинга чидамли, зах жойларда яхши ўсгани боис, боғ ва тоқзорлар орасига экиш тавсия этиляпти. Асосийси, унинг парвариши бошқа экинларга зиён etkazмайд.



лар орасига экиш тавсия этиляпти. Асосийси, унинг парвариши бошқа экинларга зиён etkazмайд.

Одатда тоқзорлар ораси салқин бўлгани учун у ерда маҳсулот етиштириш осон эмас. Халқимиз бундай ерларда, асосан, тўқсонбости сабзавот экинлари, чорва моллари учун ем-хашак ўстиради. Ундан олинадиган ҳосил кам бўлиб, қўлчана хонадон эҳтиёжидан ортмайди, даромад ҳам у қадар юқори эмас. Борди-ю бу жойларда перилла етиштирилса, бир неча баробар кўп даромад олиш мумкин.

Перилла, асосан, фойдали ёғи учун экилади. Аммо жаҳон бозорида ўсимлиқнинг барги ва поясига ҳам талаб катта. Перилла ёғи фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилса, барглари косметологияда, ёғ миқдори юқори барг ва поялари эса узоқ ёнувчан брикет тарзида, пичан ҳолатида чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланилади. Қолаверса, перилла таркибий организм учун муҳим бўлган тўйинмаган омега ёғларига бой. Шу боис у замонавий тиббиётда юрак-қон томир, бронхит, асаб ва бошқа қўллаб касалликларни даволашда қўлланилади. Таркибидagi ёғ инсон организмидagi холестерин миқдо-

рини камайтириш хусусиятига эга бўлиб, қандли диабетда фойда беради. Ўсимлик ёғи Шарқ ошонасида ҳам севиб истеъмол қилинади. Шу боис унинг харидорлари кўп. Биргина Хитойнинг ушбу ўсимлика йиллик талаби 50 минг тоннадан зиёд.

ТОМОРҚАДА ҲАМ ЕТИШТИРИШ МУМКИН

Перилланинг ватани Осиё қитъасидир. У илк бор Хитой, Япония, Кореяда маданийлаштирилган. Кейинчалик дунёнинг турли минтақаларига тарқалган.

Ўзбекистонда перилла етиштириш учун қулай иқлим мавжуд. Айниқса, шимолӣй ва шарқий ҳудудларда яхши ўсади. Ўсимлик уруғи февралнинг охири, март ойи бошида ерга қадалиб, июнь ойи охиригарида йиғиштириб олинади. Чунки бу салқинсевар ўсимлик жазирама иссиқда уруғларини тўкиб юбориши мумкин. Юртимиз шароитида периллани ғалладан бўшаган майдонларда такрорӣй экин сифатида етиштириш ҳам самарали.

Улкамизнинг турли ҳудудларида ушбу ўсимлиқни етиштириш бошлаб юборилган. Жорий йилдан перилла Ўзбекистонда илк бор тажриба сифатида 2 гектар майдонга экилди. Уруғлар Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган ва Сирдарё вилоятларидаги тоқзор ҳамда боғлар ораларига қадалиб, Жанубий Корея мутахассислари кўмагида парваришланмоқда. Юртимизда бугдой ҳосили йиғиб олинган, яна 3 гектар майдонга такрорӣй экин сифатида перилла экилади. Тажриба натижасига қараб, келаси йили 100-500 гектар майдонга экиш режалаштирилган.

Бу орқали нафақат фармацевтика саноати учун хомашё базасини яратиш, балки қишлоқ ҳўжалигида яхшигина даромад олиш мумкин. Масалан, Жанубий Кореяда перилла уруғи саноат даражасида қайта ишланиб, ундан шифобахш мўй олинади. Ҳозирча бизда бу технология йўқлиги боис, аввалига маҳсулот уруғини экспорт қилишимиз мумкин. Жаҳон бозорида 1 тонна перилла уруғининг нархи 4,5-5 минг долларгача боради. Ўсимлик ҳосилдорлиги эса анча юқори — гектаридан 1500 килограммгача уруғ олинади.

Периллани аҳоли томорқаларида ҳам етиштириб, қўшимча даромад олса бўлади. Ўсимлик парвариши ортққча ҳаракат ва маблағ талаб этмайди. Одатдаги агротадбирлар ўтказилса, кифоя.

Ҳозир талабгор аҳоли хонадонларида перилла уруғлари etkazиб берилляпти. Келгусида ҳудудларда периллани оммалаштириш, қўшимча даромад манбаи сифатида туманлар, маҳаллаларни перилла етиштиришга ихтисослаштириш мақсад қилинган. Кейинчалик доривор ўсимлиқни саноат миқёсида қайта ишлаб чиқариш ҳам мамлакат иқтисодиётига сезиларли фойда келтиради.



Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси матбуот котиби

Мамлакатимиз дунё тамаддуни ва ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар юртидир. Аждодларимиз бебаҳо меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишлар Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш, ёшларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ана шундай эзгу ишлар доирасида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, ЎзФА Шарқшунослик институти, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда **“Шарқ алломаларининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Сўнгги йилларда юртимизда диний-маърифий соҳадаги туб ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг ёритиш, қадим ва бой илмий-тарихий меросимизни чуқур ўрганиш асосида халқимиз, айниқса, эш авлодни ёт ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш конференциянинг устувор мақсадларидан этиб белгиланди.

— Марказий Осиё халқлари маданияти қўхна ва бой тарихга эга. Бунни, энг аввало, ушбу заминда эрамиздан аввалги даврлардаёқ қадимги бактрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувлари ихтиро қилингани исботлайди, — дейилади Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилловнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида. — Миллоддан аввалги II асрдан мелодий XV асрга қадар Буюк ипак йўли айнан Марказий Осиёнинг бир неча шаҳарларидан ўтгани эса ушбу юрtdа нафақат савдо-сотик, балки илм-фан ва маданият тараққий этишига замин ҳозирлади. Тинчлик-тотувлик муҳити ҳам-

маркази директори Хон Шобир Аҳмад, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бош илмий ходими Аҳмад Саъд Даманхурий, “Нур Муборак” Миср ислом маданияти университети ҳузуридаги Абу Ханифа илмий-тадқиқот маркази директори Шамшаддин Керим, Туркия Анкара университети илҳиёт факультети профессори Сўнмас Қутлу, Гёте номидаги Франкфурт университетининг Ислom дини ва маданиятини ўрганиш институти директори Умар Ўзсой ҳамда 200 дан ортқи маҳаллий, хорижий олимлар, таниқли эксперт ва илмий тадқиқотчилар иштирок этди.

Анжуман “Шарқ алломалари меросида ислом илмларининг ўрганилиши”, “Мо-вароуннаҳрда ижтимоий, табиий ва аниқ фанлар ривожини”, “Муслмон олимларининг жаҳон илм-фани тараққиётига таъсири” ҳамда “Муслмон алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси” каби шўъба йиғилишларига бўлинди.

Илм машваратида “Марказий Осиё алломаларининг санъат, гуманитар фанлар, диншунослик, ижтимоий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси”, “Муслмон Шарқи олимларининг ислом цивилизацияси ривожига тўтган ўрни: Имом Доримий”, “Сомониylар даврида илмий ҳаёт кўринишлари ва Мо-вароуннаҳр олимларининг илм-фанга қўшган ҳиссаси”, “Саҳиҳи Бухорийда фитрат тушунчаси ва ҳадислар шарҳи”, “Уйғонилиш даври Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашида багрикентлик ғоялари” ва



да цивилизациялараро дўстона мулоқот эса илк давлатчиликнинг қарор топиши ва тараққий этишига ҳам шaroит яратган. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган халқимизнинг маънавий-маърифий баркамоллигини намоён қилиш билан бир қаторда, Учинчи Ренессанс даврига пойдевор илм-маърифат масканлари бўлиши, шубҳасиз.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ICESCO) раҳбари доктор Салим ал-Малик эса ўз табриқ сўзида ислом тарихида цивилизация марказларидан қўлаб олим уламо-лар етишиб чиққанини айтди экан, мисол сифатида тиббиётда Абу Али ибн Сино, фалсафада Абу Наср Форобий, математикада ал-Хоразмий кабиларнинг исмларини эслатиб ўтди.

Конференцияда Пешовар университети ҳузуридаги Марказий Осиё тадқиқот

бошқа шу каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири бўлиб, диёримизда камол топган буюк мутафаккирлар ислом илмлари билан бир қаторда дунёвий фанлар ривожига ҳам улкан ҳисса қўшгани, уларнинг бой илмий-маънавий мероси ўз аҳамияти билан ҳозирги даврда ҳам халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, конференция иштирокчилари янги Ўзбекистонда алломалар илмий-маърифий, маданият-маърифий меросини тиклаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ҳамда жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани, бунда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк аждодларимиз номи билан аталган халқаро илмий-тадқиқот марказларига асос солинишини юқори баҳолади.



Инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти

Ҳамидулло МҲМИНОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази
“Инсон ҳуқуқлари уйи” масъул ходими,
Малика ТОЛИПОВА, етакчи мутахассис

Китоблар юксак руҳият чашмаларидир. Мутлоага берилиб кетган чоғингизда қалбингиз сарҳадларида ўзгача бир равшанлик, некинлик ва маърифат зиёсини хис қиласиз. Айниқса, китоб саҳифаларининг ажабтовур ифори инсонга бошқача завқ бағишлайди. Шу боис, электрон китобларни топиш анча қулай бўлса-да, кўпроқ босма китоблар ва кутубхоналар сари интилаверамиз.

Юртимизда илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш, илм-фан тараққиётига қўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2019 йил 7 июнь куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш-ни янада такомиллаштириш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда 21 май санасини Ўзбекистонда кутубхоначилар куни сифатида нишонлаш ҳам белгиланди.

Жаҳон кутубхоначилар кунининг аниқ санаси белгиланмаган, лекин кўпгина мамлакатларда октябрь ойининг охири душанбасида нишонланади. Кутубхоначилар куни нафақат кутубхоначилар, балки оддий китобхонлар учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимиз “Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, биринчи навбатда, ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда”, дея бежиз таъкидламаганди.

Биринчи кутубхона миллоддан аввалги II мингйилдан бобилда (Ироқда) пайдо бўлган. Бу кутубхонадаги китоблар муҳим ҳазина бўлиб, сопол битиклар кўринишида бўлган. Ўша замонларда битта китобни ёзишга бир неча йил кетарди. Шунинг учун улардан фақат бой-зодагонлар фойдаланиши мумкин эди.

Миллоддан аввалги VII аср ўрталарида Шарқдаги кўп саройларда



кутубхоналар бўлган. Қадимги даврдаги кутубхоналардан энг машҳури Мисрдаги Искандария кутубхонасидир.

Ўзбекистон ҳудудида миллоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Булар илк кутубхоналар бўлиб, кутуб — арабча “китоблар”, хона — форсча “уй”, яъни китоб ва ҳужжатлар сақланадиган жой маъносини англатади.

Бухорода X асрда машҳур кутубхона мавжуд бўлиб, у жуда бой фондга эга эди. Китоблар фан соҳалари бўйича сандикларда сақланган. Унга фақат Бухоро амири рухсати билангина китобхон кирарди. Шунингдек, йирик кутубхоналар Хоразмда ҳам хоразмшоҳлар, маъмунийлар ва ануштағенийлар замонида барпо этилган.

ушбу соҳанинг 25 мингдан ортқи мутахассиси хизмат қилмоқда. Уларнинг касбий маҳорати ва юқори салоҳияти тўғрйли аҳолининг ахборот-ресурсларга нисбатан эҳтиёжи самарали қондирилмоқда.

Китобхоналарга хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади уларнинг ахборот ва адабиётга талабига имкони борича тўлиқ жавоб бериш ва адабиёт танлашга ёрдам кўрсатишдан иборат. Кутубхоначиларнинг камтарона меҳнати буюк мутафаккирларни тарбиялайди. Кутубхоналар сукунатида таниқли ёзувчилар, олимлар фаолияти гавдаланади ва инсон тафаккурининг серқирра ижоди намоён бўлади. Демак, кутубхоначи инсон камолотида муҳим роль ўйнайди. Кутубхоналар жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий

мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилдир.

Дарҳақиқат, бу вазифаларни бажаришда изланувчи китобхоналарга маълумотларни етказишда ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхона ходимларининг ўрни беқиёс.

Президентимизнинг жорий йил 25 мартда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази — “Инсон ҳуқуқлари уйи” ходимлари ҳам ўзининг салоҳияти, билими ва амалий қўникмаларини марказнинг барча қўшиларида, докторантлари ва илмий изланувчиларига улашмоқдалар. “Инсон ҳуқуқлари уйи” ходимлари китобхоналарнинг, профессор-ўқитувчилар ва мустақил изланувчиларнинг самарали илмий ишлар қилишига хизмат кўрсатмоқда.

Хозирги кунда “Инсон ҳуқуқлари уйи”нинг ахборот-кутубхона ресурслари, яъни барча турдаги адабиётлар техник ва илмий ишловдан ўтказилиб, универсал ўнли классификация асосида тизимлаштирилмоқда.

Бир вақтнинг ўзида тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурслари рўйхатининг электрон шакли (электрон каталог) яратилмоқда.

Бугунги кунда адабиётлардан фойдаланишда электрон амалиётни кенг йўлга қўйиш мақсадага мувофиқ, Келгусида барча кутубхоналарда босма адабиётларнинг электрон шаклидан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилиши илмий изланувчиларга қулай имкониятлар яратяди.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари ривожланиши асрида босма нашрдаги китоблар аҳамиятини унутмаслик муҳимдир. Бунинг учун ёшлар онгида босма китобларни мутолаа қилиш маданиятини юксалтириш керак. Зеро, кутубхоналар ёшларни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш билан боғлиқ тарғиботни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК


Улуғвор заминнинг мафтункор овози

Ўзбек, умуман, Шарқ мумтоз адабиётини уларнинг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган диний-тасаввуфий қарашлар, шарқона фалсафий дунёқараш, илдизи қадим мוזийга туташ ривоят асотирлар билан уйғун тарзда ўрганиш зарур. Шу боис, бу улуғвор адабиёт намуналарини ўзга бир тилга таржима қилишга ҳар кимнинг ҳам тийиш ўтавермайди. Мазкур адабий жараён таржимон зиммасига улкан масъулият юклаш билан бирга, қалб торларининг қўхна мўъжизаларидан, ўзига хос ҳақиқатларидан баҳраманд этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмасида икки жилдли “Ўзбек шеърйати антологияси” китобининг 1-жилди тақдироти бўлиб ўтди. Китоб Москва шаҳридаги “Ладомир” нашриётида босмадан чиқди. Ундан XI-XIX асарларда яшаб ижод этган ўттиз уч нафар ўзбек шоири қаламига мансуб ғазал ва рубойларнинг рус тилидаги таржимаси ўрин олган. Китобга, шунингдек, “Алпомиш”, “Равшан”, “Қутлугмиш”, “Ширин ва Шакар”, “Тоҳир ва Зухра”, “Орзуғул” дostonларидан парчалар киритилган.

— Китобни тайёрлашда Ўзбекистон халқ шоири Сироҳиддин Саййид, шоир ва таржимон Фахриёр, “Россия-Ўзбекистон” дўстлик жамияти раиси, адабиётшунос Азат Примов, Москва давлат лингвистика университети ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Беғам Қораева фаол ишти-

рок этди, — дейди россиялик таниқли шоир ва таржимон Михаил Синельников. — Антологияга ўзбек шеърйати-тидан турли йилларда қилинган энг яхши таржималар танлаб олинган ва янги таржималар билан бойитилган. Унда Н.Г.Гребнев, С.Иванов, С.Сомова, А.Пеньковский каби таржима усталари, шунингдек, М.Алигер, С.Маршак, Н.Заболоцкий каби таниқли шоирлар амалга оширган таржималар бор. Мен “Тбилиси билан учрашув”, “Умар Хайём рус шоирлари таржимасида”, “Форс мумтоз шеърйати”, “Ҳофиз рус шоирлари таржимасида”, “Ҳаводаги нилуфар. Ҳинд шеърйати рус шоирлари таржимасида” каби қатор шеърйат антологиялар тузиб, эълон қилганман. Лекин бу антологияни тайёрлашда улуғвор Шарқнинг асл моҳиятига етаклагувчи ўлма ғояларини янада теран ҳис қилдим.



Ўзбекистон ва Россия адабий ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари муттасил ривожланиб келмоқда. Россия Ёзувчилар уюммаси азъоси, шоир Юрий Шчербаков бугунги кунда Алишер Навоий ғазалларининг фаол таржимони ҳисобланади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси ва-

киллари Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтадиган “Книжная Сибирь” халқаро фестивалида, Дюсселдорфда ўтказилган “Оқ турналар кунлари” шеърйат фестивалида фаол иштирок этади. Таристон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳам алоқалар яхши.

Россиянинг “Камертон” электрон журнали билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар йили бу журналда қатор ўзбек ёзувчилари асарлари рус тилига таржима қилиниб, чоп этилади.

2021 йилда “Рус адабиёти дурдоналари” 100 жилдги асарлар мажмуасини нашр этиш ниҳоясига етказилди. Уч йил давом этган лойиҳа натижасида рус адабиётининг энг сара асарлари ўзбек тилида чоп этилди. Бу лойиҳа МДҲ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистонда амалга оширилди. Мажмуага рус адабиётининг олтин даври — Пушкин замонидан то XX асрнинг охиригача бўлган йилларда яратилган энг яхши асарлар киритилган.

“Ўзбек шеърйати антологияси”нинг 2-жилди шу йилнинг ноябрь ойида чоп этилиши режалаштирилган. Аини дамда таржима ишлари давом этмоқда.

**Мухтасар
ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**